

БАҲАН



Қадрин билмоқ учун Ваҳаннинг,
Ўзга юртга боришим шарғми?
Қиз бўлсам-да, асрай деб уни,
Ўлғайтирдим қалбимда аҳдни.

Нозиккина елкаларимда
Қўтараман Ваҳан юқини,
Соғинаман юриб бағрида
Ва севаман гулдай тўқилиб.

Мен бошқача атайман уни,
Меҳр – товонимдан бошгача.
Юрсам оғимдан ўт чиқар,
Тафтим кўчар тулпроқ тошгача.

Йўқ, керакмас соғинмоқ учун,
Инсон ўзга юртга бориши,
Ваҳан десам, ўзимга аён –
Чап кўсимнинг титраб оғриши.

Солма АХМЕДОВА,
Беруний тўқимасидаги 24-мактаб ўқувчиси,
"Тамaddon нур" журнали ҳақида очилган
"Беруний исъододлари" адабий тўқимаси аъзоси



TAMADDUNURI

Har qanday
taraqqiyotning
asosi fandr

Ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal (24) ISSN 2181-8258

2020-yil, I-sop

2020 йил ~ 11-сон,
маърифат ва рақамат
иқтисодий ва фидоқарорлар





TAMADDUNURI

Илмий, ижтимоий-фалсафий,
маданий-маърифий,
адабий-бадний журнал
Икки ойда бир марта чиқади

МУАССИС:

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний тумани ҳокимлиги

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлими
Хоразм Маъмун академияси

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Сирожиiddин САЙИДИ
Муҳаммад АЛИ
Кенгесбой КАРИМОВ
Иқбол МИРЗО
Гулистон МАТЌУБОВА
Қурбон ШОНИЌЗОВ
Аҳмад ОКНАЗАРОВ
Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ
Муротбой ЖУМАНОВ

БОШ МУҲАРРИР:

Мунаввара ҚУРБОНБОЕВА

БЎЛИМ МУҲАРРИРИ:

Анвар АЛЛАМБЕРГЕНОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал САИДОВ
Нағмет АИМБЕТОВ
Ғайратдин ХЎЖАНИЌЗОВ
Қахрамон ҚУРОНБОЕВ
Шорустам ШОМУСАРОВ
Каримбой ҚУРОМБОЕВ
Зарифбой ДЎСИМОВ
Олмос УЛВИЙ
Ваҳоб РАҲМОНОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Алима БЕРДИМУРОВА
Марат НИЌЗИМБЕТОВ
Неъмат ПОЛВОНОВ
Яхшибека АБДУЛЛАЕВА
Машариб АБДУЛЛАЕВ
Ўқтам МАВЛОНОВ
Муҳаммадшариф ХЎЖАНИЌЗОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Норбек ТАЙЛАКОВ
Сафо МАТЖОНОВ
Усербой АЛЕУВ
Мэлс ҚОБУЛОВ
Дониёр ҲОЖИЕВ
Бозорбой ОРАЗАЛИЕВ

Рассом: Алибек АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи-безовчи:

Ғиёсиддин ЎНАРОВ

Техник муҳаррир:

Улуғбек САИДОВ

Ушбу сон "Тамаддун нури" журнали
таҳририятининг компютерида
саҳифаланди.

Журнал ОАК эътироф этган
нашрларининг 07.00.00 "Тарих",
09.00.00 "Фалсафа", 10.00.00
"Филология" ихтисослиги бўйича
рўйхатига киритилган.

МУНДАРИЖА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОЛНОМАСИДАН

Атабек САПАРБАЕВ. Янги Ўзбекистон истиқболи акс этган дастур. 2

ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ

Фурқат ПРИМОВ. Бюджет сиёсати ислохотлари халқ манфаатлари хизматида. 3

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Айбек КАМАЛОВ. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда давлат органларининг ўрни. 6
Рустам КУРБАНБАЕВ. Мурожаатларни кўриб чиқиш қонуний кафолатланган. 10

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Мунаввара ЮСУПОВА. Китоб – доимий ҳамроҳим. 8

БЕРУНИЙШУНОСЛИК

Ҳамидулла ҲАСАНОВ. Берунийнинг дунё харитаси. 13
Асрор НИЗОМОВ. Беруний денгиз трансгрессияси ва регрессияси ҳақида. 16

ТАРИХ

Орзиев МАҲМУД. XX аср бошларида Россия – Афғонистон ўртасидаги муносабатлар тарихидан. 18
Машҳура РЎЗИЕВА. Ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишда ижтимоий фаоллик. 22
Умиджон БЕКИММЕТОВ. Хоразм қишлоқлари советларнинг коллективлаштириш сиёсати арафасида. 30
Ойбек РАШИДОВ. Совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати. 30
Манзура ЮСУПОВА. Наврўз байрами таомлари: тарихийлик ва замонавийлик. 33
Нилуфар КОШАНОВА. Халқимиз ҳаётидаги зардуштийлик таълимоти билан боглиқ анъана ва маросимлар. 35
Бахтиёрхўжа ШОДМОНОВ. Ўзбекистон илм-фани ва таълими соҳасида ёш кадрлар тайёрлашнинг тарихий босқичлари. 44
Адҳам МАВЛОНОВ. Сув – ислом динида асосий поқловчи унсур сифатида. 59

ОБЩЕСТВО

Акбар ВАЛИЕВ. Социальная защита населения в условиях обретения
Ўзбекистаном государственной независимости. 41

ФАЛСАФА

Роза САДИКОВА. Конфуций ахлоқий таълимоти. 49
Тимур МАДАЛИМОВ. Мирзо Ғолиб фалсафасига қадимги ҳинд фалсафий мактабларининг таъсири. 52
Раимберди ХАЙТМЕТОВ. Мавлоно Румийнинг "Маънавий маънавий" асарида амалий ахлоқ муаммоси. 76

ЭКОЛОГИЯ

Шохрух МАДАТБОВЕВ. Янги даврни бошлаган тарихий Мурожаатнома. 55
Абдували БУРХАНОВ. Саъдулла АМИНОВ. Некоторые вопросы экологии, роль и место экологии в обществе. 65

ФИЛОЛОГИЯ

Улбўсин АМЕТОВА. Кубровийлик тариқатида ранглар талқини. 56

ТАРИХ БИЛАН УЧРАШУВ

Яҳё ҒУЛОМОВ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. 62

НАСР

Бегойи. Қолган кўнгил. Ҳикоя. 60

ЖАМИЯТ

Муяссар ВАХИДОВА. Янги чўққилар сари. 70
Саидеафо БОБОВЕВ. Ривожлантиришни дастлабки бугундан бошлаймиз. 71

НАЗМ

Назира БЕКИМБЕТОВА. Янги давринг муборак, Ўзбекистони! 72

ПЕДАГОГ МИНБАРИ

Malika ABDURAXMANOVA. "VATAN POSBONLARI" mavzusida bir soatlik tarbiyaviy soat ishlanmasi. 58

Манзилимиз: Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани
"Халқлар дўстлиги" кўчаси, 11-уй. e-mail: qurbonboyeva@inbox.ru
Тел.: (+99899) 504-84-84

Босишга 14.02.2020 йилда рухсат берилди.

Қоғоз бичими 60x84 ¼. Нашиёт ҳисоб табағи 6,5. Индекс – 960

Журнал 2016 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан № 0843 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Журналдан кўчириб босилганда "Тамаддун нури"дан олинди деб изоҳланиши шарт. Матн
ҳамда рекламалардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдир.
Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

"SILVER STAR PRINT" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Буюртма № 6.

Адади 2300 дона. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

ISSN 2181-8258

МАВЛОНО РУМИЙНИНГ “МАСНАВИЙИ МАЪНАВИЙ” АСАРИДА АМАЛИЙ АХЛОҚ МУАММОСИ



**Раимберди
ХАЙТМЕТОВ,**

Тошкент вилояти,
Чирчиқ давлат педа-
гогика институти
ижтимоий фанлар ка-
федраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асаридаги айрим дoston ва ҳикояларнинг ёш авлодни ахлоқий тарбиялашдаги ўрни ёритилган.

Калим сўзлар: масавуф, фуқаролик жамияти, ахлоқ, борлиқ, рух, инсон, аскет, ишқ, толерантлик, мутаассиблик.

Аннотация: В этой статье освещается роль некоторых стихов и рассказов в работе Джалал ад-дин Руми «Маснави-йи маънави» в нравственном воспитании подрастающего поколения.

Ключевые слова: суфизм, гражданское общество, мораль, бытие, дух, человек, аскет, любовь, толерантность, догматизм.

Annotation: This article highlights the role of some poems and short stories, that are given in the work called «Masnavi-i Ma'navi» by Jalal ad-Din Rumi, in the moral education of the young generation.

Key words: sufism, civil society, morality, universe, spirit, man, ascetic, love, tolerance, fanaticism.

Ман чи гўям васфи он олийжаноб,
Нест пайғамбар, вале дорад китоб¹.

Абдурахмон Жомий

Жамият – бу бир мақсад сари онгли ҳаракат қилаётган одамлар уюшмасидир. Ўзбекистон халқи ҳам битта жамият бўлиб, унинг асосий мақсади эса фуқаролик жамияти қуришдир. Фуқаролик жамиятида эса энг асосий урғу ёш авлод тарбиясига қаратилади. Бунинг асосий сабаби – бу тушунча тўла келаси замон билан боғлангандир. Келажакнинг бевосита иштирокчилари албатта ёш авлоддир. Ёшларнинг бу жамиятни қай даражада кўра олиши эса катталарга, яъни уни тарбиялаётган авлодга боғлиқдир. Агар биз жаҳон ақл эгаларининг (у хоҳ Фарбга ва хоҳ Шарққа тегишли бўлсин) “Фуқаролик жамияти” қуриш воситалари ҳақидаги назариясига эътибор берадиган бўлсак, унда энг асосий муаммо ахлоқ билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб, этика муаммоси – бу абадий муаммо, десак хато бўлмайди бизнингча.

Бугунги бизнинг жамиятнинг асосий фожеаларидан бири эса ахлоқий нормаларни фақатгина назария сифатида қабул қилишидадир. Ва ёки айнан ахлоқий тарбияга масъул бўлган катта авлоднинг, тажрибада мана шу ўзлари тарғиб қилаётган ахлоқий нормаларга ўзлари амал қилмаётганликларидадир. Мана шу муаммо билан тўқнаш келган айрим Шарқ ва Фарб олимлари амалий ахлоқ ва ёки буюк немис олими Иммануил Кант таъбири билан айтганда “шартсиз императив”, яъни ахлоқни қонун сифатида қабул қилиб, унинг амалини таъминлашга ҳар бир инсон мажбурдир, деган ғояга ўхшаш ғояларни илгари суришга мажбур бўлдилар. Шарқда ҳам бу муаммо билан бир қатор донишмандлар шуғулланган бўлиб, улардан бири ушбу мақоламизнинг асосий қаҳрамони бўлмиш Жалолиддин Румийдир. Румийни ўрганиш ҳозир-

¹ Мазмуни: Мен ул олийжаноб зот васфида нима ҳам дердим, китоби бор-у лекин Пайғамбар эмас.

ги замон учун ҳам жуда долзарбдир. Сабаби, унинг таълимоти "истеъмолпарастлик" касаллигига ча- линган XXI аср одамнинг касаллигини даволашда жуда қўл келади. Яъни, нафсни тийиш ва ёки уни балансида ушлашга доир муаллиф келтирган ҳикоя- лардан хулоса чиқариш айни муддаодир.

Жалолиддин Румий² 1203 йилда Балх шаҳрида дунёга келади. Лекин умрининг ярмини у Туркиянинг Кўниён шаҳрида ўтказади. Отасининг исми Баҳоуд- дин бўлиб, ўз замонасининг машҳур олимларидан эди. Ҳаттоки унинг отаси Нажмиддин Кубро билан дўст бўлгани ҳақидаги маълумотлар ҳам йўқ эмас. Мўғул ҳужуми натижасида кўплаб олимлар ва сў- фийлар ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Кубро эса бундан мустасно. Чунки тарихдан бизга маълумки, у мўғулларга қарши урушда ҳалок бўл- ган. Юқоридаги олимлар қатори Жалолиддин Ру- мийнинг отаси ҳам Балхдан ҳозирги Туркиянинг Кў- ниён шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлади. Бунинг сабабини турлича изоҳлашди, 1-сабаб: Хоразмшоҳ билан Баҳоуддиннинг ўзаро низога келиб қолиши [1-Б.-228]. 2-сабаб: ушбу даврнинг машҳур файла- суфларидан бўлмиш Фахриддин ар-Розий³ билан келишмовчилиги. Чунки бу файласуф рационал билимлар ва унинг тарафдорларига яхши муноса- батда бўлмаган. 3-сабаб: бу мўғуллар ҳужуми билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хуллас, сабаби аниқ бўлмаган мана шу кўчиш содир бўлганда Румий 12 ёшда бўлади. 18 ёшида эса Гавҳар Хотунга уйланади⁴. Ушбу турмушдан у икки фарзанд кўради. Биринчиси Алоуддин ва иккин- чиси Султон Валаддир. Алоуддин Дамашқда таълим олган бўлиб, ҳатто унинг ўз мактаби, яъни мадраса- си бўлган. Лекин, шунга қарамай, тарихчилар кўпроқ Султон Валад ҳақида маълумот қолдирганлар⁵.

Румий қарашларида бир неча бор инқилоблар содир бўлган бўлиб, шундан биринчиси ва энг асо- сийси ўша замоннинг машҳур илоҳиётшунос олими, сўфий Шамс Табризий⁶ билан боғлиқдир. Яъни у шу

кунгача шариат қонунлари ва диннинг ташқи амал- лари билан чекланган бўлса, эндиликда тариқат ва ёки сўфийлик билан қизиқиб қолади. Румийнинг айтишича, агар у Табризий билан учрашмаганида оддий рационалист файласуф даражасида қолиб кетган бўлар эди. Табризий унга деярли янги нарсა ўргатмайди, фақатгина ортиқча фикрлардан қутқа- ради, холос. Уларнинг ўзаро суҳбати 40 кундан 3 ойгача бўлган, деган ривоятлар ҳам йўқ эмас. Шу сабабдан Румийнинг шогирдлари Табризийни хуш- ламайдилар, ҳаттоки бир марта шаҳардан чиқиб кетишга мажбур қилишади. Табризийнинг ис- сиз йўқолиб қолиши Румийга катта руҳий зарба бўлади [2-Б.-795] ва энди унинг номи билан байтлар ёза бошлайди ва уни "Девони кабир" ва ёки "Шамс Таб- ризий девони" ("Ғазалиёти Шамс") деб номлайди.

Румийга Шамс Табризийдан кейин яна бир неча тариқатчилар ўз таъсирини ўтказдилар. Хусусан, улардан яна Салоҳиддин Заркуб ва Ҳусайн Чалабий- дир. Айнан Ҳусайн Чалабий Румийга Атторнинг "Ли- сон ут-тайр"га ўхшаш асар ёзишини таклиф қилади. Шундан сўнг "Маснавийи маънавий"ни ёзишга бел боғлайди. "Маснавийи маънавий" асари Румийнинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб, муаллиф бу асарига 12 йил вақт сарфлагандир, яъни 6 дафтар- нинг ҳар бирига 2 йилдан. Бу асарда Румий адабиёт қонунларини бузганлигини кўришимиз мумкин. Хусу- сан, ғазал қоидага кўра 7 банддан 14 бандгача бўли- ши мумкин. Лекин Румий уни 100 байтдан кўпроқ қи- либ ёзади. Шу билан бирга асарни Румий замонаси ва умуман ундан кейинги йилларда яшаган ортодок- сал олимлар айрим сабабларга кўра рад қилишган. Лекин шунга қарамай буюк файласуфлар, шу жумла- дан буюк немис классик фалсафаси асосчиларидан бири Ф.Гегель ҳам ўрганиб таъсирланган [1-Б.-236].

Бу асарни ўрганиш 4 хил аспектда олиб бо- рилади: 1) бадиий адабиёт сифатида; 2) ислом ва Эрон цивилизацияси тарихи сифатида; 3) маъна- вий озук сифатида; 4) онтологик асар сифатида. Ривоят қилишларича, Жалолиддин Румийнинг ўғли Султон Валад отасининг олдида келиб одамлар бу китобни Қуръоннинг тафсири дея қабул қилиш- моқда, деб айтганда, Румий буни инкор этмаган. Лекин Румий бу асарнинг фалсафий асар деб ном- ланишига қарши чиқади. Сабаби ўрта асрларда ва ёки Румий яшаган даврда фалсафа жуда тор маънода, фақатгина ақлга тегишли масалаларни ўрганувчи таълимот сифатида тушунилган. Ҳозир- ги фалсафа таълимоти эса кўпинча метафизикага ёндашиб иш кўради, шунинг учун ҳам, агар Румий ган мистик олим, сўфий, файласуф ва теологлардан бири. У ёшлигида жуда катта истеъдодга эга бола бўлган ва Қуръонни ўрганаётган пайтида "Шамс" сурасига келганда унга мафтун бў- либ қолади ва ўз исмини ушбу кундан Шамс деб эълон қилади. Румий ва Табризийнинг муносабатлари ҳақида кўплаб ривоят- лар мавжуд бўлиб айрим мутахассислар Румий Табризийнинг шогирди деса айримлари унинг аксини айтади. Умуман шуниси маълумки, улар бир-бирларига катта маънавий таъсир ўтказ- ган ва кейинги ижодларида бу ўз аксини топгандир. У яна бир жойда кўним топмаганлиги учун, яъни ҳар доим кўчиб юриши сабабли "қуш" деган лақаб олган.

² Асл исми Муҳаммаддир. Жалолиддин Румий тахаллусини олиши, турклар кичик Осиёни Рум эли деб ҳам аташган. Мав- лоно калимаси арабча бўлиб, "дўст", "қўшни", "яқин" маънола- рини билдиради ва Шарқда улуғ алломалар исмига қўшилади- ган сифатдир.

³ Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ал-Ҳусайн ат-Тайми ал-Бақри ат-Табристонӣ Фахруддин ар-Розий. У 1149 йилда Рай шаҳрида дунёга келган бўлиб, кўплаб Шарқ шаҳарларини кезиб чиқади. У Шарқ перепатетикларига қарши курашади. Хусусан Ғазолийнинг фалсафий қарашлари билан келиша олмайди. Лекин айрим маълумотларга қараганда умри- нинг охирида у ўзининг калом фалсафасига тегишли бўлган қа- рашларидан воз кечиб сўфизмга эргашади. Ар-Розий Ҳиротда Мадрасага асос солган, у ерда умрининг сўнгги йилларини ўт- казган ва 1209 йилда Ҳиротда вафот этади.

⁴ Гавҳар-хотун вафотидан сўнг, кунёлик тул, Кира-хотунга уйла- нади. Бу оиласидан Музаффариддин Олим Чалабий ва Мали- ка исми фарзандларини кўради.

⁵ Бунинг сабаби балким Алоуддиннинг ўз отасининг устози Шамс Табризий билан қарашларининг тўғри келмаслиги ва ҳаттоки ай- рим маълумотларга қараганда Шамс Табризийнинг йўқолиб қо- лишига, яъни ўлимига ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

⁶ Тўлиқ исми Мавлоно Шамсулҳаққ ва-д-дин Муҳаммад ибн Малиққод Табризий тахминан 1185-1248 йилларда яшаб ўт-

тирик бўлганда унинг фалсафа деб аталишига қарши бўлмас эди, бизнингча.

Бу асар жами 25730 байтни [2.Б-2] ва ёки 5200 дан ортиқ мисрани ўз ичига қамраб олади. Яна Румий ўзининг “Девони Кабир” асарида 35 минг байт ишлатган бўлиб, жами у мана шу иккита асарда тахминан 60 минг (айрим манбаларда 70 минг деб кўрсатилади) байт ёзган.

Юқоридаги байтларидан ташқари унинг фалсафага бағишланган насрий асарлари ҳам бўлиб, “Фихий мо фихий” (ўзбекчада “Ичиндаги ичиндир”) ва “Мактубот” дея номланувчи асарлари шулардан энг машҳурларидир.

Умуман Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари “Найнома” дея аталувчи дostonдан бошланади. Унда най ўзининг аслидан айрилганлиги ва танҳолигидан нола қилади. Ушбу най ноласини муаллиф инсон руҳи билан қиёслади. Яъни ҳар бир инсон руҳи ҳам индивидуал танага жойлашгандан сўнг худди қамишзорни кўмсаган най каби азоб чекишини ва унга интилишини кўрсатмоқчи бўлади Румий. Найнинг ноласи инсон ибодатига қиёсланади. Чунки ўзининг дардини, жудолик азобини⁷ най мусиқа орқали бизларга билдирса, инсон ибодати орқали ўз руҳининг танҳолиги ҳақида худога арз қилади. Ибн Арабийнинг фикрича бу ерда гап хослар ҳақида эмас, айнан оддий инсонлар руҳи ҳақида бормоқда. Танага тушгач ҳар бир руҳ нафсининг

Худо қурбонига айланади ва ўз моҳиятидан узоқлашади.

Асарнинг ҳар бир байтида мана шу учбурчак, қолаверса, улар ўртасидаги муносабатлар ҳақида гап боради.

Румийнинг айтишича, бу асарни тушуниш учун аввало инсон қалби очиқ бўлиши лозим.

Илон ўргатувчи ҳақидаги достониди эса Румий нафсни жиловлаш масаласини яна кўтаради. Унга кўра илон ўргатувчи бир куни совуқ ўлкадан илон топиб олади ва уни ўзи билан Бағдодга олиб кетади. У Бағдодда томоша кўрсатиш учун илонни сахнага олиб чиқса, у совуқ ўлкадан иссиқ ўлкага келгани учун уйқудан уйғонади ва биринчи бўлиб илон ўргатувчини, кейин эса томошабинларни бирин-кетин юта бошлайди. Бунда **Румий дунёвий нафсининг меъёрдан ошиб кетиши қанчалик хавфли эканлиги, у уйғонса аввал инсоннинг ўзини ва кейинчалик жамиятни ҳалок қилиши ҳақида ёзгандир** (бунга мисол қилиб биз бугунги глобал муаммолардан бўлмиш экологик инқирозларнинг ва ёки инсониятнинг табиатга қарши бошлаган урушини келтиришимиз мумкин. Шу ва шунга ўхшаш ҳозирги кунда инсониятни ўйлантираётган умумбашарий муаммолар айнан моддий нафсининг меъ-

ёридан ошиб кетиши натижасидир). Унинг айтишича, совуқ ўлка бу дунё бўлиб, иссиқ ўлка қиёматдир. Унга кўра, нафсимиз ўзимизга қарши ишлайди. Инсон эгоизми ва ёки нафси фақатгина илоҳий ишқ ёрдамидагина тарбияланиши мумкин.

Дунёвий нафс ва уни жиловлашга тегишли бўлган яна бир ривоят “Шоҳ ва канизак” деб номланади. Кунларнинг бирида шоҳ овга чиқади ва ўзи ўлжага айланади. Яъни, бир қизни кўриб унга ошиқ бўлиб қолади. Шоҳ қизни саройга олиб келади. Шундан сўнг қиз касалликка чалинади. Шоҳ бундан қаттиқ изтироб чекиб, уни тузатиш учун энг машҳур табибларни чорлайди. Лекин фойда йўқ, табибларнинг кўлидан ҳеч нарсаси келмайди. Бир куни шоҳ тушида фариштани кўради ва фаришта унга эртага маълум бир чорраҳадан табиб ўтишини ва айнан мана шу табиб қизни даволай олишини айтади. Шоҳ айтилганларни бажаради ва ростдан ҳам табибга дуч келади. Табибни саройга олиб келиб қизни кўрсатади. Қизни табиб Ибн Сино усули билан текширишни бошлайди. Томирини ушлаб унга маълум бўлган шаҳарлар ва ёки жойлар номини айтиб чиқади. Шунда бир диёр номини эшитган қизнинг томири тезроқ ура бошлайди. Ундан кейин табиб ушбу диёрга мансуб кўчалар номини санашга тушади. Маълум бир кўча номини эшитганда янада тезроқ уради томирлари. Сўнг табиб шу кўчада яшовчи кишилар номини айта бошлайди. Ушбу кўчада турувчи заргар номини эшитганда қиз томири янада тезроқ ура бошлайди. Шунда табиб шоҳга қарата бунинг давоси айнан мана шу заргарлигини айтади. Шоҳ заргарни олиб келишни айтади ва уни маълум пул эвазига вақтинча қизнинг ёнида бўлишга кўндиради. Қиз секин-аста тузала бошлайди. Қиз тўлиқ тузалгандан сўнг шоҳ ўз ошпазларига энди заргарнинг овқатига оз-оздан захар қўшиб беришни буюради. Маълум бир вақт ўтгандан сўнг заргар вафот этади. Тузалган канизак эса шоҳга қолади. Бу ерда канизак инсон образи, шоҳ Худо образи, заргар эса моддий дунё ва ёки нафс образидир. Қачон одам дунёвий нафслардан халос бўлсагина (заргарнинг ўлими) Оллоҳга муҳаббати, яъни ишқ (қизнинг шоҳга қолиши) уйғониши мумкин. Юқоридаги чизмадан ҳам маълумки, ишқ масаласи Румийда марказий тушунчалардан биридир. Бу тушунча ҳозирги капиталистик жамиятларда энг кам учрайдиган феноменлардан биридир. Ҳозирги замон одамининг энг катта ахлоқий фожеаси бу эгоизмдир. Бунинг яқкаю ягона давоси эса айнан “ишқ”дир⁸.

Бизга маълумки, Румий ҳар бир назарий билимни амалиёт, яъни “ихлос” билан боғлианиши-

⁷ Бу ерда гап жаннатдан айрилганлик ҳақида, ёки жаннат маъносида келиши мумкин. Яна ўзининг онг остидан ва ёки психологик ҳолатидан (Фрейд) айрилганлиги учун ҳам деювчилар йўқ эмас.

⁸ Бу масала нафақат Шарқда, балки Ғарб антик давр фалсафасида ҳам ўрганилади. Хусусан Афлотунга кўра у уч даражада бўлиши мумкин. 1. Эрос – жисмоний ишқ (муҳаббат); 2. Фелио – бу жисмонийдан юқориқ бўлган муҳаббат (ишқ); 3. Агапа – илоҳий ва ёки ғоялар дунёсига тегишли бўлган ишқ. Румий ўзининг “Шамс ғазаллари” асарида Афлотуннинг “Агапа” атмасини ишлатади. Капиталистик жамиятлар ҳозирда ҳаттоки иккинчи босқичи (фелио)га ҳам ўта олмаяптилар, улар фақатгина (эрос) босқичида қолиб кетмоқдалар.

нинг тарафдори бўлган. Шу мавзуга бағишланган дostonлардан бири, айниқса ҳозирги замон “этика” соҳасига жуда қўл келади. Сабаби замонавий ахлоқшунослик кўпинча назария билан чекланиб қолаётган бўлиб, айрим ахлоқий концепцияларни ҳаттоки амалда қўллашнинг иложи ҳам йўқдир.

Кунлардан бирида араб тили бўйича мутахассис, филолог олим, соҳилда мижозини кутиб турган қайиқчи олдиға келади ва ўзини нариги соҳилға ўтказиб қўйишини сўрайди. Қайиқчи рози бўлади ва икковлон йўлга чиқади. Шунда филолог қайиқчидан қай даражада араб тилидан хабардорлигини сўрайди. Қайиқчи эса араб тилини умуман билмаслигини хижолат бўлиб маълум қилади (чунки ўрта асрларда араб тилини билмаслик маданиятсизлик ҳисобланар эди). Кейин эса олим ғурур билан унга ярим умри бекор кетганлиги-ю, ўқиган намозлари бефойдалиги ҳақида маъруза қила бошлайди. Қайиқчи эса ярим умрининг бекор кетганлигидан афсусланиб, хаёлга берилиб қайиқнинг олд қисмига ўтириб олади. Шу он денгизда тўфон қўтарилади ва қайиқ мувозанатини йўқотиб ағдарилади. Шунда қайиқчи филологдан сузишни қай даражада билишини сўрайди. Олим эса умуман билмаслигини маълум қилади. Шунда қайиқчи тилшуноснинг бутун умри бекор кетганлигини айтади ва соҳилға қараб сузиб кетади. Ўз-ўзидан маълумки, олим ноиложликдан денгизга ғарқ бўлади.

Ҳозирги замонда ёш авлодни тарбиялашда асосий урғу бериладиган жиҳат бу толерантликдир. Толерантлик муаммоси фақатгина бугунги муаммо эмас, албатта. Мутаассиблик муаммоси инсоният бошига жуда катта кулфатлар солганлиги ҳам тарихдан бизга маълум. Қолаверса, бугунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий ва минтақавий урушлар жуда кўп салбий оқибатларга олиб келмоқда. Хусусан очарчилик, саводсизлик, қашшоқлик балоларининг энг катта сабабчиси деб ҳам айнан уруш кўрсатилади. Мавлоно Румий эса юқоридаги иллатларни ўз асарларида жуда кўп маротаба танқид қилганлигини кўришимиз мумкин. Шулардан биттасини мисол тариқасида келтириб ўтамиз. Бу ривоят савдогар ва унинг тўтиқуши ҳақида: кунларнинг бирида савдогар Ҳиндистонга сафарга кетаётиб оила аъзоларидан қандай совға олиб келиши ҳақида бирма-бир сўраб чиқади. Охирида у ўзининг тўтиқушидан сурайди. Шунда тўти унга ҳеч нарса керак эмаслиги, фақатгина Ҳиндистон тўтиларига ўзининг қафасда ётгани ҳақидаги хабарни етказишнинг ўзи етарлилигини маълум қилади. Савдогар эса Ҳиндистонга бориб тўтиқушининг илтимосини бажо келтиради. Ушбу хабарни эшитгач, тўтиларнинг сардори ерга қулаб тушади ва вафот этади. Ҳайрон бўлган савдогар уйга қайтгач, ўз тўтисига бўлиб ўтган воқеани айтиб беради. Шунда савдогарнинг тўтиқуши ҳам бу хабарни эшитгач ерга қулаб тушади ва ўзини ўлганга солади. Буни кўрган эгаси тўтини ростдан ҳам ўлган деб ўйлаб қафасдан олади. Шу пайт қуш унинг қўлидан учиб кетади. Ва Ҳиндистондаги тўтиқушлар сардо-

рининг ҳаракати бор-йўғи белги эканлигини айтади. Қандай қилиб қафасдан эркин бўлиш йўлини сен орқали менга етказдилар холос, дейди.

Румийнинг айтишича, руҳнинг озодликка чиқиши ўлим⁹ билан боғлиқ бўлиб, унинг энг олий даражасини айнан брахманлардан ўрганиш лозим. Румий мана шу масала (толерантлик)га жуда кўп эътибор қаратган бўлиб, бунинг асосий сабаби, у яшаган тарихий давр ва ёки муҳит билан боғлиқдир. Чунки ҳар бир инсон микросоциум (кичик жамият)дир. Яъни жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳар бир инсон ўзи яшайдиган жамиятнинг фазилат ва иллатларини ўзида акс эттиради. Румий яшаган даврдаги догматик қарашлар натижасида вужудга келган диний ва сиёсий ихтилофлар унинг дунёқарашига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган албатта. Ёки устоз Н.Комилов сўзлари билан айтганда, “Румий минг йиллар давомида тўпланиб келган Шарқ фалсафаси ва ҳикмати, исломий ҳақиқатларни омухта эта олган, тасаввуф ва фалсафани кўшиб, инсон руҳи диалектикасини очган улўф мутафаккирдир. Унинг қарашларида бирон-бир мутаассиблик, кўр-кўрона ақидапарастлик намунасини кўрмайсиз. У тийрак ва ҳушёр кўз билан дунёга назар солади, инсонни қандай бўлса, шундай олиб ўрганади, инсон қалби тўридаги энг нозик, энг инжа, энг яширин сирларни ошкор этади, руҳимиз икlimларидаги ўзимиз сезмаган қонуниятлар, заруриятларни кўрсатиб беради” [3-Б-6].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Румийнинг асарлари токи инсоният мавжуд бўлар экан, ўз мавқеини йўқотмайди. Шунингдек, бугунги кун инсоният тафакқурини юксалтиришда ҳам Шарқ ва Ғарбга бирдек ўз таъсирини ўтказа олади. Унинг ўзига хослиги ҳам айнан мана шунда, яъни Румий қарашларининг бутун инсониятга макон ва замондан, эътиқодидан, ирқидан, миллатидан, жинсидан ва ҳоказолардан қатъи назар бир хил таъсир қила олишидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фиш Радий Геннадиевич. *Жалопиддин Румий. Русчадан Жамол Камол таржимаси. Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.*
2. Мавлоно Жалопиддин Румий. *Маснавийи маънавий. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Т.: “MERIYUS” ХНМК, 2010.*
3. Н.Комилов. «Тафаккур хазинаси». «Ичиндаги ичиндадир»га сўзбоши. Т., 1997 йил.
4. Дж.С. Трименгэм. «Суфийские ордена в исламе».
5. Лео Яковлев. «Суфии: восхождение к Истине».
6. Идрис Шах. «Суфии».

⁹ Муаллиф бу ерда аскет (таркидунёчи)ларни назарда тутмоқда. Яъни брахманларда ва сўфизмда дунёвий нафслардан тўла воз кечиш – “ўлмасдан бурун ўлиш” каби ҳолатлар учраб туради.